

ISSN 2091 – 5616

AGRO ILM

1-илова [71], 2021

**2021 ЙИЛ —
ЁШЛАРНИ
ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАШ
ВА АҲОЛИ
САЛОМАТЛИГИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ
ЙИЛИ**



МУНДАРИЖА

ПАХТАЧИЛИК

- К.МИРЗОЁҚУБОВ, А.АМАНТУРДИЕВ, А.ХАМДАМОВ.** Ғўзанинг “С-8286” нави бирламчи уруғларини кўпайтиришда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш...3
- П.ИБРАГИМОВ, Б.ЎРОЗОВ, Ф.ТОРЕЕВ, Г.ШОДМОНОВА, С.РАСУЛОВ.** Ғўзанинг F_8 оддий ва мураккаб дурагайларининг тола сифат кўрсаткичлари.....4
- Х.ИБРАГИМОВ, Р.КАРИМОВ.** Ғўзани эколого-географик узоқ шаклли навларо дурагайлашда юқори тола сифатига эга навлардан фойдаланиш самараси.....6
- С.АМИНОВ, М.КАИПОВ, Б.ЖОЛДАСБАЕВ, С.ПАЛУАНОВ, Д.БЕРДИКЕЕВ.** Влияние технологии возделывания на всходы, рост и развитие хлопчатника.....8
- Б.МАДАРТОВ, Н.РУСТАМОВ, Г.ХОЛМУРОДОВА, М.РАҲМОНҚУЛОВ.** Ғўзанинг жуфт ва мураккаб дурагай комбинацияларининг V.Dahliae Kleb. билан зарарланиш даражаси таҳлили.....10
- Я.БАБАЕВ, Г.ОРАЗБАЙЕВА.** Ота-она шакллари ва F_1 - F_3 дурагайларининг вилт касаллигига бардошлилиги.....11
- Л.ЖАЛИЛОВ.** Ғўза илдиз тизими ўсишига органико-минерал ўғитлар ва экиш усулларининг таъсири.....12
- У.АЙТЖАНОВ, Б.АЙТЖАНОВ, И.САГАТДИНОВ, Р.СЕЙТБАЕВ.** Изучение мутантных сортов хлопчатника в условиях Каракалпакстана.....14

ҒАЛЛАЧИЛИК

- А.ШОЙМУРАДОВ.** Суғориш тартиби таъсирида қаттиқ бугдой дон ҳосилдорлиги ва дони таркибидаги оқсил миқдорининг ўзгариши.....15
- В.ИСМОИЛОВ, А.ҲАМЗАЕВ, Ш.ТУРСУНОВ.** Экиш муддатлари ҳамда ўғитлаш меъёрларининг кузги жавдар бошоқ структураси ва дон ҳосилдорлигига боғлиқлиги.....17
- С.САИДОВ.** Кузги бугдой ҳосилдорлигига гербицид + биостимуляторларнинг таъсири.....20
- О.НАҒЫМЕТОВ, Б.БЕКБАНОВ, Р.АЙТМУРАТОВ, А.ЖАЛГАСБАЕВ.** Морозостойкие коллекционные формы озимой пшеницы.....23
- М.САТТАРОВ, Х.ИДРИСОВ, Р.САЙТКАНОВА, З.АХМЕДОВА, Ж.ҲАМДАМОВ.** Соянинг (Glycine Hispida L) асосий ва такрорий экишга мослашган серхосил навларини яратиш.....24
- Б.БЕКБАНОВ, О.НАҒЫМЕТОВ, О.УТАМБЕТОВ, Х.УТЕМУРАТОВ.** Соя – культура разнообразного использования.....26
- Ў.МАҲМУДОВ, Б.ХАЛИКОВ.** Экиш муддатлари ва меъёрларини такрорий ерэнғоқ ва соянинг кўчат қалинлигига таъсири.....27
- Ф.НАМОЗОВ, Х.БОЗОРОВ, А.ХОЛИКОВ.** Соя навларининг 1000 дон дон вазнига турли экиш тизимларининг таъсири.....28
- Б.АЙТЖАНОВ, Р.СЕЙТБАЕВ, У.АЙТЖАНОВ.** Кунгабоқар нав ва дурагайлари илдиз вазнининг ўзгарувчанлик коэффициентларини ўрганиш.....30

- Л.МИРЗАЕВ.** Такрорий экин – мошда қўлланилган минерал ўғит меъёрларининг дуккақдаги дон шакллинишига таъсири.....32
- Н.ХАЛИЛОВ, Ш.КОСИМОВА.** Маккажўхорини дон ва силосга етиштиришда мақбул экиш муддатлари ва туп қалинлиги.....33

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК

- И.НАМОЗОВ, Н.ЕНИЛЕЕВ, Д.ЭРГАШЕВА.** Олманинг кузги навлари ўсиши ва гул куртакларининг ёзилишига интенсив боғлардаги дарахларни экиш схемаларининг таъсири.....36
- М.ФАХРУТДИНОВ, М.РАҲМАНҚУЛОВ.** Ўзбекистон иқлим шароитида цитрус ўсимликлари янги навларининг парвариши.....37
- Б.АБДУСАТТОРОВ, Н.ЮСУПОВ.** Советкичли омборларда сақланганда узумнинг “Ризамат” нави кимёвий таркибининг ўзгариши.....39
- Н.ЖУМАНИЯЗОВА.** Қовоқ етиштириш агротехнологиялари, бошқарув усуллари ва ҳосилдорлик прогнози.....40
- С.ИНАГАМОВ, Ғ.ТАЖИБАЕВ.** Тиканли ковул – *Capparis spinosa* L. доривор ўсимлигининг меваси – фармацевтика саноати учун хомашё.....42

ЎСИМЛИКЛАР ҲИМОЯСИ

- Б.СУЛАЙМОНОВ, Ш.ЭСОНБАЕВ, У.МАШАРИПОВ.** *Aeolesthes sarta* турининг Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳудудлари бўйича биологик хусусиятлари.....44
- М.РАҲМОНОВА, К.ҲАМДАМОВ, М.ПАРПИЕВА.** Мевали боғларни зараркунандалардан ҳимоя қилишда микробиологик усулнинг аҳамияти.....46
- А.ИСМОИЛОВ, А.РЎЗИМУРОДОВ.** *C. Vicina* ҳашаротининг экологияси ва инсектицидларга сезувчанлиги.....47

ЧОРВАЧИЛИК

- М.АШИРОВ, Ш.АТОЕВ, Б.ШАРИПОВ, Ф.БАҲРИДДИНОВ, Ў.ЭШҚОБИЛОВ.** Қизил чўл зотли сигирларнинг лактацияларига боғлиқликдаги сут маҳсулдорлигининг динамикаси.....49
- Ў.РАҲИМОВ.** Турли маҳсулдорликдаги голштин зотли сигирларнинг озукани сут билан қоплаш даражаси.....51
- А.АЗИЗОВ, Қ.АЗИЗОВ, Р.МИРЗАЕВ.** Қанджўхори – чорва ҳайвонлари учун озиқабоп ўсимлик.....52
- М.РАҲМАТАЛИЕВ.** Паррандачилик соҳасини ривожлантиришда инвестицияларни жалб этишнинг долзарблиги.....54
- Б.НАСИРИЛЛАЕВ, Б.МИРЗАХОДЖАЕВ, Д.СОДИҚОВ.** Такрорий қурт боқишда қуртларни намланган мато ва плёнка остида парваришнинг пилла маҳсулдорлигига таъсири.....56

ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ

- З.ИБРАГИМОВА, С.МЕЛИКУЗИЕВ, С.ОРЗИЕВ.** Ирригация тизимларини тозалашда уларнинг лойиҳавий параметрлари бузилишининг олдини олувчи қурилма.....58
- А.ХОМИДОВ.** Суғорма деҳқончилик шароитида кучли шишувчан гидрогелни қўллаш асосидаги сувтежамкор технологиянинг самарадорлиги.....59

СУГОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК ШАРОИТИДА КУЧЛИ ШИШУВЧАН ГИДРОГЕЛНИ ҚЎЛЛАШ АСОСИДАГИ СУВТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Ер юзида ҳаёт мавжудлигининг асосий манбаи сувдир. Маълумки, инсоният, ўсимлик ва ҳайвонот олами, умуман, ҳеч бир жонзот сувсиз яшай олмайди. Ер шарининг учдан икки қисми сув билан қопланган бўлса-да, унинг 97,5 фоизи шўр сувлар бўлиб, истеъмолга яроқсиздир. Қолган 2,5 фоизини чучук сув ресурслари ташкил этиб, унинг 79 фоизи абадий музликлар, 20 фоизи ерости сувлари, 1 фоизи эса дарё ва қўллар ҳиссасига тўғри келади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, нисбатан арзон ва содда ноанъанавий суғориш технологиялари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳам муҳим илмий-амалий аҳамият касб этувчи долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ана шундай услублардан бири, сувтежамкор суғориш технологиялари сифатида оммалашиб бораётган маҳаллий хомашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаш асосидаги тежамкор суғориш технологияларини яратишдир.


Республикада суғорма деҳқончиликда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сувтежамкор суғориш технологияларини ўрганиш ва уларни жорий этиш бўйича республикада ва

ривожланган мамлакатларда А.Н. Костяков (1960), Н.Р. Хамраев (1973), Г.А. Безбородов (1995), Б.С. Серикбаев (2016), М.Х. Хамидов (2015), С.Ш. Мирзаев (2000) ва К.Г. Ганиев (1995) каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Суғорма деҳқончилик шароитида маҳаллий хомаш-ёдан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелни қўллашга асосланган тежамкор технологияни яратиш бўйича дала тажрибаси тадқиқотлари (2020 йилда) Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ тумани ТИҚХММИ ўқув-илмий маркази далаларида олиб борилган. Кузатишлар шуни кўрсатдики, суғоришдан 21 кун ўтиб, тупроқ намликлари ўрганилди ва ўрта ҳисобда тажриба далаларидаги тупроқ намлиги назорат далаларини нисбатан юқори бўлганлигини кўриш мумкин. Жумладан, назорат майдонидаги тупроқ намликлари ўртача 11,23% ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич тажриба майдонида 15,03% ни ташкил этди. Ушбу натижаларни 1-расмдаги диаграммада ҳам кўриш мумкин.

Вегетация даврида тажриба ва назорат далаларида мун-

тазам равишда суғоришдан олдин ва суғоришдан сўнг тупроқ намликлари кузатиб борилди. Тажрибалар шуни кўрсатдики, тажриба даласи тупроқларидаги намлик назорат даласидагига нисбатан 15-18% кўпроқ, ёки тегишли намликнинг 12-14 кунга узокроқ сақланиши кузатилди. Бу, ўз навбатида, тупроқлардаги намликнинг узок вақт сақланиши ҳисобига суғориш сувини тежаш ва суғоришлар орасидаги даврни 10-12 кунга узайтириш имконини беради.



1-расм. Вегетация даврида тупроқ намлигининг ўзгариш динамикаси (ўртача 0-40 см тупроқ қатламида).

Тажрибалар даврида гўзанинг ўсиши ва ривожланиши бўйича олиб борилган фенологик кузатувлар ҳам маҳаллий хомашёлардан синтез қилинган сувтежамкор технологиянинг тупроқ сув-физик хоссалари ҳамда ҳосилдорликка ҳам ижобий таъсир кўрсатишини 1-жадвал орқали кўришимиз мумкин. Назорат ва тажриба майдонларида биринчи кўсақлар август ва сентябр ойларида очила бошлади. Биринчи ўн кунликда тажриба майдонидаги кўсақларнинг очилиши 80% дан кўпроқни, назорат майдонида эса 55-70% ни ташкил этди. Тажриба майдонидаги тупроқ қатламида шаклланган нисбатан қулай сув режимининг ҳосил туғишга, кўсақлар очилиши тезлигига ва битта чаноқдаги пахта хомашёсининг ҳосилига ижобий таъсир кўрсатди.

Тажриба ва назорат далаларидаги ҳосилдорликни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, тажриба майдонида ҳосилдорлик ўртача 25,7 ц/га, назорат майдонида эса ўртача 22,0 ц/га ни ташкил қилди. Бу, ўз навбатида, назорат даласига нисбатан тажриба даласида ҳосилдорлик 3,7 ц/га юқори бўлганлигини кўрсатади.

Юқоридаги маълумотлар шуни билдирадики, маҳаллий хомашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосида яратилган суғориш технологиясидан фойдаланиш Марказий Осиёнинг, айниқса, Ўзбекистоннинг суғорма деҳқончилик шароитида асосий муаммо бўлган сувни тежашга ёрдам беради ҳамда пахта ҳосилдорлигига ижобий таъсирини кўрсатади.

Суғорма деҳқончилик шароити учун маҳаллий хомашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогеллар асосидаги сувтежамкор технологияни қўллаш самарадорлиги.

Сувтежамкор технологияни қўллаш самарадорлиги.

Кўрсаткичлар	Тажриба	Назорат
1 п.м. даги ўсимликлар миқдори	9-10 дона	7-8 дона
1 п.м. даги ҳосил берган ўсимликлар миқдори	80-100 дона	70-75 дона
Битта ўсимликдаги кўсақларнинг ўртача миқдори	19-21 дона	15-16 дона
Очилган битта чаноқдаги пахтанинг оғирлиги, гр		
1	4,5	3,1
2	4,3	4,2
3	3,8	4,0
4	4,6	3,8
5	4,4	3,9
Ўртача	4,32	3,81

жамкор технология тупроқнинг намлигини мақсадли бошқариш имконини беради. Суғорма деҳқончилик шароитида экилган гўза ўсимлигининг самарали униб чиқишини таъминловчи гидрогелнинг рационал меъёри ҳар бир гектар учун 50 кг, уни тупроққа аралаштиришнинг самарали чуқурлиги эса 30-35 см қатламда бўлиши мақсадга мувофиқ.

Маҳаллий хомашёлардан синтез қилинган кучли шишувчан гидрогелларни қўллаш асосида 30-35 фоизгача сув тежалди, суғоришлар орасидаги давр 12-14 кунга узаяди, суғоришларнинг сони камаяди. Суғорма деҳқончилик шароитида кучли шишувчан гидрогеллардан фойдаланиш натижасида гўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ошади.

Аваз ХОМИДОВ, ассистент,
ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Агофонов О.А., Акбасова А.Д. Стирамоль новый эффективный структурообразователь и гидрофизизатор почвы. // Почвоведение, Москва, 1984. №4, С. 109-112.
2. Апашева Л.М., Погорелова Р.Ф., Дмитриев И.Б. Применение гидрогелей и их композиций с регуляторами роста для обработки зерновых и хвойных пород деревьев. Тезисы докладов II Всесоюзного совещания "Биологически активные полимеры и полимерные реагенты для растениеводства". Звенигород, 1991. 43 с.
3. Махмудова Г.Д. Биологическая активность почвы. Энциклопедия хлопководства. Том I, Ташкент, 1985.
4. Салохиддинов А.Т., Тимирова М.Н. Non-traditional method of water conservation in irrigated agriculture. //Международный семинар «Conservation Agriculture for Sustainable Wheat Production in Rotation with Cotton in Limited Water Resource Areas», Ташкент, 2002, 83 p.

ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИГА БИОМЕЛИОРАТИВ ТАДБИРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

The article presents the impact of cultivation of bioremediant crops after winter wheat on ameliorative condition of lands in conditions of water shortage. After fall wheat, the chlorine content in the field was 0,032-0,29 %, 0,030-0,026 % in millet, and the amount of chlorine in the uncultivated control field was 0,043-0,045 %. Bioremediant crops yield 24,3-27,3 t/ha of grain and 35,0-54,8 t/ha of hay per hectare, which allows to save 1562-2390 m³/ha of water compared to the control field for saline washing.

Бугунги кунда дунё бўйича қишлоқ хўжалигида деградация учраган майдонлар ортиб бормоқда: сув эрозияси таъси-

рида 56 фоиз, шамол эрозияси таъсирида 28 фоиз, тупроққа озуқа моддалари миқдорининг камайиши, шўрланиш,